

талабани укув материалининг асосий манбалари билан ишлашга ўргатишдан, унинг мустакил билиш фаолиятини ташкилкилишдан, уни ўзини бошқариш усуллари билан таништиришдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳозиев Э. Психология. Т.2004.
2. Ҳозиев Э. Олий мактаб психологияси. Т.2011.

И.Қ. Сирожиддинов, И.И. Солиев
Наманган мухандислик-қурилиш институти
Наманган, Ўзбекистон
ibodullosoliev1981@gmail.com

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ИНСТИТУЦИОНАЛ-ТАШКИЛИЙ ОМИЛЛАР

Аннотация. Мақолада касбий таълим ва олий таълим сифатини ошириш билан боғлиқ институционал омиллар тадқиқ этилган. Таълим сифати назорати ва диагностикаси долзарб йўналишлари асослаб берилган.

Калит сўзлар: касбий таълим, олий таълим, таълим сфати, таълим сифати диагностикаси, давлат назорати, нодавлат назорат.

Ҳозирги замон иқтисодий ривожланиш жараёнларида принципал жиҳатдан янги тенденциялар тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. Улар жумласига юксак даражадаги илмий тадқиқотлар натижаларига таянадиган тармоқлар ва соҳаларнинг иқтисодиётда етакчи мавқеини эгаллаш, ахборот технологияларининг барча соҳаларига жадал кириб бориши ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг нафақат технологик, балки молиявий-иқтисодий жараёнларининг ажралмас қисмига айланишини киритиш мумкин. Шунингдек, макродаражада олиб қаралганда, инновацион ривожланиш ва билимлар иқтисодиёти шаклланиши ҳар бир мамлакат учун устувор аҳамият касб этмоқда.

Жампийат ҳаёти ҳар соҳаси фаолияти муайян институтлар шаклланиши ва ҳаракатланиши орқали содир бўлади. Тадқиқотчилар уларни тўрт гуруҳга ажратадилар: 1) расмий қоидалар (қонунлар, расмий меёрий ва маъмурий ҳужжатлар); 2) норасмий нормалар (анъаналар, урф одатлар); 3) фаолиятни бевосита олиб боровчи ташкилий тузилмалар ёки бирликлар (субъектлар); 4) қоидаларга амал қилинишини таъминловчи идора ва муассасалар. Бунга яна соҳа субъектлари билан соҳага дахлдор ва соҳа билан манфаатлари боғланган бошқа субъектларнинг соҳа фаолияти натижалари борасидаги ўзаро муносабатлари тизимини ҳам киритиш мумкин. Санаб ўтилганларнинг барчаси таълим жараёни боришига ва таълим сифатига муҳим равишда таъсир этади.

Мамлакатимизда содир бўлаётган кенг қўламли туб ўзгаришларга монанд ҳолда ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт учун кадрлар етказиб берувчи касбий таълим ва олий таълимнинг ижтимоий-иқтисодий роли ўзгармоқда. Албатта олий таълим ривожланишининг миқдор ва сифат ўлчамлари мавжуд. Олий таълим мамлакатнинг юқори малакали кадрларга эҳтиёжини турли йўналишларда етарли даражада қондира оладиган қўламларга эга бўлиши лозим. Бошқа томондан, олий таълим тайёрлаб бераётган мутахассислар нафақат ички меҳнат бозорида, балки ташқи меҳнат бозорида ҳам рақобатбардош бўлиши лозим. Чунки иқтисодий субъектлар

рақобатбардошлиги уларда ишлаётган ҳодимларнинг рақобатбардошлигига таянади. Бу эса бозор муносабатлари шароитларида олий таълим сифатига нисбатан юсак талаблар кўяди. Мувофиқ равишда таълим сифати диагностикаси соҳани ривожлантириш борасида қарорлар қабул қилинишида жуда муҳим аҳамият касб этади. Диагностика жараёнини амалга оширишда таълим соҳаси фоолиятидан манфаатдор барча субъектлар ва ташкилий тузилмалар реал равишда иштирок этишлари лозим.

Қайд этиш лозимки, касбий таълим ва олий таълим бир-бири билан узвий боғланган бўлиши лозим. Умуман олганда касбий таълимда олинган билимлар олий таълимда креативлик нуқтаи назаридан юқорироқ босқичга кўтарилиши лозим. Афсуски. Мамлакатимизда эндигина бунга эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистонда касбий таълим ва олий таълим тизимида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Олий таълимни оммалаштириш чоралари кўрилмоқда, унга нисбатан миқдорий чекловлар олиб ташланмоқда. Олий таълим мазмуни ва шакли ривожланган мамлакатларда қўлланаётган ва яхши натижалар бераётган олий таълим стандартлари талабларига мослаштирилмоқда, хорижий олий таълим муассасалари ўзаро ҳамкорлик кўламлари кенгайтирилмоқда. Айни пайтда касбий таълимни замонавийлаштириш, унга аниқ амалий-ҳаётий мазмун бериш жараёни эндигина бошланмоқда. Масалан, касб таълимида юсак технологияларда учун ишчи кадрлар тайёрлаш энди йўлга қўйилади.

Инновацион ривожланиш ва билимлар иқтисодиёти шароитларида олий таълим сифатининг замонавий талаблар даражасида таъмин этилиши муҳим равишда соҳада рақобат муҳити яратилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам хусусий олий таълим муассасалари ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирга қадар мамлакатимизда касбий таълим ва олий таълим асосан давлат таълим муассасалари доирасида жамланганлиги туфайли улар ўртасидаги рақобат деярли мавжуд эмас эди. Шунингдек, муайян ОТМларни таянч ОТМлар деб расман белгилаб қўйилиши ҳам аслида олий таълимни бошқарувчи давлат органлари томонидан рақобатнинг чеклаб қўйилишини билдиради, чунки бошқа олий ўқув юртларининг ўқув жараёнини олиб боришдаги мустақиллиги чекланади. Улар намунавий ўқув режалари ва намунавий ўқув дастурлари доирасидан деярли четга чиқа олмайдилар. Демак, улардаги таълим сифати таянч ОТМдагидан юқори бўла олмайди. Касбий таълимда эса бундай мустақиллик ҳақида умуман сўз бораётгани йўқ.

Маълумки, ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида олий таълим тизимида нодавлат олий таълим муассасалари салмоқли, баъзи ҳолларда эса етакчи ўрин эгаллайди. Рақобат муҳити ОТМларни ўзига талабларни жалб этиш учун курашишга мажбур этади. Бизнинг шароитларда олий таълим квоталари чекланганлиги туфайли ОТМдаги бир ўринга 8та абитуриент даъвогарлик қилиши эса рақобат фақат талабгорлар ўртасида мавжудлигини билдиради. Олий таълим тизими томонидан ўрта маълумотга эга бўлаётган ёшларнинг тўлароқ қамраб олиниши ОТМлар ўртасида реал рақобатни вужудга келтиради ва таълим сифатини оширишга кўмаклашади.

Таълим сифатига муҳим даражада таъсир этувчи омиллардан бири касбий таълим ва олий таълимга қабул қилинаётганларнинг билим даражаси ҳамдир. Академик С.Фуломовнинг таъкидлашича, муносиб кадрлар тайёрлашга тўсқинлик қилаётган, шу жумладан тадбиркорлар ва педагогларни тайёрлашга ҳам, сабаблардан бири олий таълимга абитуриентлар қабул қилинишидаги кириш синовларининг сифати. У борада жаҳон амалиётига суянган ҳолда ягона ўтиш баллини белгилаш, яъни ўқишга лаёқатлиларнинг барчасини олий таълимга қабул қилиш лозим²⁵. Таъкидлаш лозимки,

²⁵Гулямов С. Нужны инвестиции в капитал мозга. Правда Востока, 14 ноября 2018 года.

ҳозирга қадар ҳатто касбий таълимнинг баъзи йўналишлаприга танлов асосида қабул қилиш сақланмоқда ва бу тартиб жиддий равишда қайта кўриб чиқилиши зарур.

Қайд этилганидек, касбий таълим ва олий таълим сифатини назорат этиш қатор йўналишларда олиб борилмоқда (ОТМда ички назорат, ОЎМТ вазирлиги, давлат тест маркази, таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси). Бироқ, мазкур жараёнда нодавлат субъектларининг жамоатчиликнинг етарли даражада таъмин этилмаган ва хорижий мамлакатлар тажрибасига суянган ҳолда бу борада чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим.

Таълим сифатининг энг муҳим натижавий кўрсаткичи сифатида ҳозирги пайтда битирувчиларнинг ишга жойлашуви саналади. Албатта, ривожланган мамлакатларда ҳам бунга эътибор қаратилади, лекин мазкур кўрсаткич биринчи ўринга қўйилмайди. Биздакасбий таълим ва олий таълим педагоги фаолияти натижаларига баҳо берилишида ҳам у таълим берган талабаларнинг ишга жойлашиши жуда муҳим деб ҳисобланади. Қолаверса, битирувчини ишга жойлаштириш ўқитувчининг мажбурияти деб қаралади. Битирувчининг ишга жойлаша олиши у олган таълимнинг сифатига боғлиқ, лекин амалда бу боғланиш функционал характерда эмас, балки стохастик характерда.

Кўриниб турибдики, касбий таълим ва олий таълим бир томондан, иқтисодиёт тармоқларининг малакали иш кучига бўлган талабни қондириш учун кадрлар тайёрлаб берадиган хизматлар соҳаси бўлиб, шу жиҳатдан жамиятдаги бозор муносабатларидан сира ҳам четда қола олмайди. Иккинчи томондан, у мазкур соҳа фаолиятининг ижтимоий натижалари ҳам жамият учун устувор аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда айниқса олий таълим олиш имконияти ва олий маълумотга эга бўлишнинг ўзи аҳоли фаровонлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Бу жиҳатнинг бирон-бир даражада эътиборга олмаслик натижасида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этмай қолмайди. Чунки касбий ва олий таълимнинг иқтисодий вазифаларини унинг ижтимоий, маданий ва маънавий-ахлоқийвазифаларидан ажратиб қўйилиши умуммиллий ва умуминсоний қадриятлар камситилишига ва охир-оқибат мамлакатнинг илмий-ақлий салоҳиятига ва миллий хавфсизлигига путур етказилишига олиб келади. Таълим соҳаси фаолияти турли жиҳатларининг диагностикаси ушбу очиқ кўриниб турган ҳақиқатларни қамраб олиши лозим.